O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 26-mart • Shanba • 39 (27.374) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

## Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида

Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш, янги замонавий қурилиш материаллари, конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда унинг турларини кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш, мактаб таълими ва уй-жой қурилишини ривожлантириш умуммиллий дастурларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ички бозорнинг қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёжи қондирилишини таъминлаш, шунингдек экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2010 йилгача бўлган даврда қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

биринчи навбатда устувор умуммиллий ижтимоий дастурларни амалга ошириш учун иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолининг қурилиш материалларига бўлган талаб-эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини назарда тутган ҳолда уларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш;

қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг янги замонавий технологияларини, жумладан, республикамизда амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни ривожлантириш асосида жорий этиш ва ўзлаштириш;

тармоқ корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини ниҳоясига етказиш, хусусий корхоналар барпо этишни рағбатлантириш ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этиш йўли билан қурилиш материаллари бозорини монополиядан чиқариш ҳамда рақобат муҳитини вужудга келтириш;

ҳудудларнинг эҳтиёжлари ва истиқболда маҳаллий қурилиш хомашё ресурсларининг янги конларини ўзлаштиришни ҳисобга олган ҳолда қурилиш материаллари корхоналарининг оқилона ҳудудий жойлаштирилишини таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

ўрта махсус касб-ҳунар таълими, умумтаълим мактаблари, болалар спорти, уй-жой ва саноат-фуқаро қурилишини ривожлантириш дастурларининг параметрларига асосан ишлаб чиқилган 2005-2010 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг мақсадли кўрсаткичлари;

республика минтақаларида 2005-2010 йилларда қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантириш ва қурилиш материалларининг янги турларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари рўйхати;

жойларда амалга оширилаётган ижтимоий ривожланиш дастурлари ва саноат-фуқаро қурилишининг параметрларидан келиб чиққан ҳолда 2005-2010 йилларда республика минтақаларида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни қўшимча равишда кўпайтириш бўйича мақсадли вазифалари;

2005-2010 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун ўзлаштирилаётган янги норуда хомашё конлари рўйхати;

2005-2010 йилларда қурилиш материаллари экспортининг мақсадли кўрсаткичлари тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш борасидаги истиқболли инвестиция таклифлари рўйхати маъқуллансин.

4. «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси ҳузурида янги технологиялар ҳамда қурилиш материалларининг юқори самарали янги турларини ишлаб чиқариш соҳасидаги амалий илмий тадқиқотлар ва конструкторлик-технология ишланмаларини марказлаштирилган тартибда молиялаштириш учун бюджетдан ташқари махсус Жамғарма ташкил қилинсин.

(Давоми 2-бетда.)

## АҚШда тажриба алмашишди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлигининг бир гуруҳ вакилларидан иборат делегация тажриба алмашиш мақсадида АҚШда бўлиб қайтди.

Ушбу сафар АҚШ Адлия департаменти ташаббуси билан ташкиллаштирилди.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари вакиллари Вашингтон шаҳрида АҚШ Давлат департаменти, Федерал қидирув бюроси ва Фейрфакс полиция маҳкамаси масъул ходимлари билан учрашувлар ўтказишиб, инсон ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлаш, полиция ва прокуратура тизими, фуқароларнинг мурожаатлари, терроризмга қарши кураш, оммавий ахборот воситалари мустақиллиги сингари бир қатор жаҳон афкор оммасининг диққат марказида турган муҳим ва долзарб масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Шунингдек, Сан Хуан шаҳрида улар федерал судлар фаолияти билан яқиндан танишиб, суд мажлисларини кузатишди. Тадбир доирасида «Суд ҳокимияти мустақиллиги, судья мақоми» мавзуида анжуман ўтказилди.

Учрашувлар давомида адвокатлик иши, жазони ижро этиш тизими, коррупцияга қарши кураш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Сафар чоғида делегация аъзолари АҚШдаги Ўзбекистон элчихонасида бўлдилар.

**Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ,**
**Олий суд матбуот котиби**



**2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили**



Фарғона вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли «Она ва бола» сиҳатгоҳи вилоятнинг сўлим масканларидан бири — Бешариқ туманидаги Адиробод боғдорчилик жамоа хўжалигида жойлашган. Замонавий меъморчилик услубида бунёд этилган мазкур иншоот кўркамлиги, дид билан жиҳозлангани билан эътиборни тортади.

Бир вақтда 120 она ва боланинг дам олиб, муолажа олишлари учун барча қулайликлар яратилган сиҳатгоҳда хизматлар бепул. 2200 метр чуқурликдан отилиб чиқаётган шифобахш булоқ сувидан, бу ер табиатининг соф ҳавосидан даволанувчилар баҳраманд бўлмоқда. Бундан ташқари, шифо масканида оналар ва болаларнинг кўнгилли дам олишлари, жисмонан чиниқишлари учун ҳам етарли шароит яратилган. Сиҳатгоҳ, асосан, ошқозон-ичак, буйрак, ўт пуфаги, пешоб йўли, болаларда учраб турадиган турли юқумли касалликларни даволашга ихтисослашган. Сидқидилдан хизмат қилаётган малакали тиббиёт ходимлари томонидан она ва бола саломатлиги мустаҳкамланмоқда.

— Сиҳатгоҳимиз ишга тушгандан буён бу ерда уч ярим мингга яқин она ва бир ярим мингга яқин кичкинтой шифо топиб, дам олиб кетдилар, — дейди бош ҳаким Мурод Эшонқулов.

✧✧✧

**Суратларда:** тарбиячи Хуршида Бегматова кичкинтойлар билан машғулот пайтида; «Она ва бола» сиҳатгоҳининг умумий кўриниши.

**М.ҚОДИРОВ (ЎзА)**
**олган суратлар**

**Парламент фаолияти**

## ҚОНУН ЯРАТИШ МАСЪУЛИЯТИ

Қонун ижодкорлиги мураккаб ва масъулиятли жараён. Қонун «устахонаси» юксак билим, ижтимоий воқеликдан хабардорлик ва келажакни кўра билиш каби хусусиятларни талаб этади. У муносабатлардаги чигалликларни ечиб бериши, тартибга солиши ҳамда муаммолар туғилишининг олдини олиши керак. Ахир ижтимоий муносабатлардан узилиб қоладиган қонунлар ҳеч кимга керак эмас. Ёки бугун яратилиб, эртага ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга эҳтиёж сезилиб қоладиган қонунлардан не фойда?

Албатта, қонун яшовчан, жамиятда илдиз отиб кетадиган бўлиши шарт. Бунинг учун, хусусан, депутат нималарга эътибор қилиши керак? Унинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи қай тарзда амалга оширилади? Депутатнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига доир ҳуқуқий асослар қандай? Бу борада чет элларда қандай тажрибалар бор? Улардан нималарни ўрганиш мумкин?

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан «Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ва уни Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан амалга ошириш тартиб-тамойиллари» мавзуида ўтказилган семинар-тренинг ана шу масалаларга бағишланди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қорақалпоғистон Республикаси олий вакиллик органи, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокурор, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга. Семинар-тренингда айнан депутатнинг бу ҳуқуқдан фойдаланиш тартиб-қоидасига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Анжуманда Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис девони ходимлари, олимлар, ҳуқуқшунослар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Акбар ЖОНУЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири В.НИКОЛАЕВ).** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик, идора, компания, уюшма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси, Бош вазир ўринбосари А.Орипов бошқарди.

Кун тартибига Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2005 йилдаги асосий фаолияти режасига оид масалалар киритилди. Унда рақобат муҳитини ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида воситаларни стандартлаштириш ва сертификатлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ахборот-коммуникация технологиялари бозоридаги улушини оширишга қаратилган устувор тадбирлар белгиланган.

Бу борада ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш, ахборот тизимларини ташкил этиш, Интернетда миллий тармоқни ривожлантириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида халқаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, кадрлар тайёрлаш, дастурчиларни тайёрлайдиган миллий мактабни шакллантириш тадбирлари, шунингдек, ҳукумат ва Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарорларининг мониторинги ҳам кўзда тутилган.

Йиғилишда вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва хўжалик юритувчи бирлашмалар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга доир ишлар мониторинги бўйича таҳлилий материаллар муҳокама этилди.

Ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш борасида сусткашликка йўл қўйган қатор давлат идоралари иши танқидий баҳоланди. Мувофиқлаштирувчи кенгаш вазирлик ва идораларга қисқа муддатда компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга доир ҳукумат қарорларини бажариш бўйича шошилинч чораларни кўриш топширилди.

Шунингдек, йиғилишда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 6 июндаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Уларга замонавий ахборот ресурслари ва тизимларини ривожлантириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш ишларини кучайтириш тавсия этилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида БМТ Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Рақамли ривожлантириш ташаббуси» дастури фаолиятига ижобий баҳо берилди.

**«Ташаббус — 2005»**

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Айни пайтда тадбиркорлар, фермер ва ҳунармандлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2005» анъанавий танловининг республика босқичини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда. Танловнинг ташкилий қўмитаси учта асосий — «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши ҳунарманд» номинацияларидан ташқари қатор қўшимча номинацияларни таъсис этди.

**«Энг самарали лойиҳа»** соврини қисқа муддатда янги иш ўринларини ташкил этиш, олган кредитни белгиланган муддатдан аввал қайтариб, катта даромад олишда юқори натижаларга эришган кичик бизнес корхонасига берилади;

**«Энг яхши молиявий муассаса»** соврини тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини ўз маблағи, жалб этилган маблағлар, имтиёзли кредитлаш фонди ҳисобидан кредитлашнинг самарали механизмини жорий этган тижорат банки ёки кредит бирлашмасига тадбиркорларга кўрсатган сифатли хизмати учун берилади. Бунда молияланган лойиҳалар ва ажратилган кредит ресурслари сони ҳам ҳисобга олинади;

**«Энг яхши журналист»** соврини тадбиркорлик фаолиятини, тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг долзарб масалаларини ёритган журналистга туркум телекўрсатувлар ёки радиоэшиттиришлар, оммавий ахборот воситаларидаги мақолалари учун берилади;

**«Бизнес-таълим бўйича энг яхши ўқитувчи»** соврини бизнес-таълим муассасаси ўқитувчисига ўқитишнинг самарали услубини жорий этгани, тадбиркорликнинг устувор йўналишларини кенг қамраб олгани ҳамда сифатли ўқув дастури учун берилади;

**«Тадбиркорга сифатли хизмат кўрсатгани учун»** соврини муассасалар, ташкилотларга тадбиркорларга кўрсатаётган сифатли ахборот ва консалтинг хизматлари, жумладан, инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишда берган ёрдами, янги хизмат турини жорий этгани учун берилади;

**«Энг яхши инновация лойиҳаси учун»** соврини илмий янгиликларни (ноу-хау) тижорий асосга ўтказишни қамраб оладиган ва жорий этилиши ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, юқори иқтисодий натижаларга эришиш имконини берадиган лойиҳа муаллифига берилади;

**«Энг яхши дастурий маҳсулот»** соврини замонавий компьютер техникасида яратилган ва жорий этилиши кичик бизнес корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берадиган амалий дастурий маҳсулот муаллифига (муаллифлар гуруҳига) берилади;

**«Талабалар томонидан амалга оширилган энг яхши лойиҳа»** соврини олий ёки ўрта махсус таълим муассасаси талабаси (талабалар гуруҳи) ишлаб чиққан ва амалга оширган ҳамда жорий этилиши янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ёки кичик бизнес корхоналари фаолиятининг самарадорлигини ошириш имконини берадиган лойиҳа учун берилади;

**«Менинг юртим — менинг фахрим»** соврини минтақа рамзини (белгиси) ишлаб чиққан муаллифга минтақа хусусиятларини янада самарали акс эттирадиган бадиий ишланмалари учун берилади. Ушбу номинация танлов босқичига қараб «Менинг қишлоғим — менинг фахрим», «Менинг шаҳрим — менинг фахрим» деб номланиши мумкин;

**«Энг яхши инвестор»** мукофоти хусусий тармоқни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган чет эллик донорга берилади;

**«Энг яхши техник ёрдам кўрсатиш лойиҳаси»** мукофоти Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнес субъектига техник ёрдам кўрсатиш учун инвестиция лойиҳасини ишлаб чиққан ва жорий этган хорижий фирмага берилади.

*Барча манфаатдор ташкилот ва шахсларни юқорида қайд этилган номинациялар бўйича танловда иштирок этишга таклиф этамиз. Қатнашиш учун ариза беришнинг энг сўнгги муддати 2005 йил 5 апрель. Аризалар нусхаларини олиш ва бошқа масалалар бўйича Ташкилий қўмита котибиятига қуйидаги манзилга мурожаат қилишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 6.*

*Мулоқот учун телефонлар: 132-09-01, 132-09-07.*

*Мулоқот учун Бахтиёр Маматовга мурожаат этилсин.*

## РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛ ОЛИШДИ

**Навоий вилоятида тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар ўртасида «Ташаббус — 2005» кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда энг яхши тадбиркорлар, ҳунармандлар, фермерлар беллашдилар. Ўз маҳсулотларини нафақат мамлакатимиз ички бозорига, балки чет элларга ҳам чиқараётган 800 нафардан зиёд иштирокчиларнинг ғолиблари танловнинг республика босқичига йўлланма олдилар. Улар орасида Хатирчи туманининг «Истиқлолнинг ўн йиллиги» фермер хўжалиги (раиси Б.Эшниёзов), Навоий шаҳрининг «Ортмедфармедсервис» масъулияти чекланган тадбиркорлик жамияти (раҳбари Ф.Баратов), Нурота туманидан Т.Раҳимов сингари моҳир ҳунармандлар бор.

**Абдимутал НОРБОЕВ**

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг БАЁНОТИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг шу йил 22 мартдаги Баёнотида таъкидланганидек, Ўзбекистон томони Қирғизистонда 27 февраль ва 13 март кунлари бўлиб ўтган парламент сайловлари туфайли ушбу мамлакатда юзага келган қарама-қаршилик ва аҳолининг оммавий чиқишлари шу мамлакат қонунлари ва Конституциясида белгиланган ҳуқуқий асос доирасида ҳал этилиши лозим, деган қатъий ва изчил позицияда туришини билдиради.

Айни пайтда вазиятга ҳар қандай ташқи аралашувнинг олдини олиш, юзага келган муаммоларни куч ишлатиш билан ҳал қилишга йўл қўймаслик ўта муҳимдир. Бунинг учун биринчи навбатда турли қарама-қарши томонлар билан, кескин талаб ва шартлар қўймасдан, тинч музокара олиб бориш жараёнидан фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон томони Қирғизистонда сўнгги кунлар ва ҳафталарда рўй берган воқеалар — бу кутилмаганда тасодифан пайдо бўлган жараёнлар эмас, балки, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ночор аҳвол, умидсизлик ва коррупция оқибатида анчадан бери йиғилиб келган кескин норозилигининг натижаси, деб ҳисоблайди.

Бизнинг қатъий фикримизча, мавжуд муаммони ечиш, вужудга келган мураккаб инқирозли вазиятдан чиқиш ва аҳволни барқарорлаштиришда халқаро тузилмалар шафеълигида қўшни мамлакатлар ва дунёнинг йирик давлатлари томонидан Қирғизистонга аниқ мақсадли моддий, молиявий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, шунингдек мамлакатдаги қалтис жараёнлар янада ёйилиб кетишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатларга кўмаклашиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлур эди.

Ўзбекистон томони мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий қўшничилик ришталари ва қардошлик муносабатларини қадрлаш ва ривожлантириш тамойилларига амал қилган ҳолда, Қирғизистон аҳолиси қўллаб-қувватлайдиган ва ишонч билдирадиган мамлакат раҳбарияти, ҳукумати ва парламенти билан ҳамкорликка тайёр эканини маълум қилади.

**Тошкент шаҳри,**
**2005 йил 25 март.**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57, Faks: 152-78-04
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

# Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу махсус Жамғармани шакллантириш манбаларини аниқласин, мазкур Жамғармани шакллантириш ва унинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси корхоналари томонидан олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва мазкур Фармонда кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун фойдаланиладиган ускуналар ва ёрдамчи материаллар 2006 йилнинг 1 январидан бошлаб икки йил муддатга божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) озод қилинсин.

Белгилансинки, бўшайдиган маблағлар қурилиш материаллари саноати корхоналарини янгилаш ва техника билан қайта қуроллантиришга мақсадли фойдаланиш учун йўналтирилади.

6. 2005-2009 йилларда қурилиш материаллари саноати корхоналарига ноанъанавий хомашё турларини етказиб бериш қўшилган қиймат солиғини тўламасдан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси билан биргаликда:

қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш борасидаги истиқболли инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги ахборотни маҳаллий ва хорижий инвесторлар, манфаатдор корхона ва ташкилотларнинг кенг доирасига етказсинлар;

янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг юқори унумли ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш лойиҳаларини амалга ошириш учун маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб этишда тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатсинлар.

8. Қурилиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши мониторинги ва фаолиятни лицензиялаш бўйича Республика комиссияси (А.Ҳ.Тўхтаев) ишларнинг мувофиқлаштирилишини ҳамда 2010 йилгача бўлган даврда қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш жараёнлари, шунингдек ушбу Фармон билан бериладиган имтиёз ва преференциялардан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилиши мониторинги тегишли даражада олиб борилишини таъминласин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ҳ.Тўхтаев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2005 йил 24 март

# ФЕРМЕР БЎЛИШ

ЁКИ БУГУН ФЕРМЕРНИ НИМАЛАР ҚИЙНАЯПТИ, ҚАЙСИ МУАММОЛАР ТАШВИШГА

*Кейинги йиллар тажрибаси фермер хўжаликларининг ширкатларга нисбатан анча юқори рентабелли бўлиши ва зарар кўрмай фаолият юритишини тасдиқлади.*

**Ислом КАРИМОВ**

Жиззах вилоятида тўла маънода фермерчилик мактаби яратилаяпти, дейиш мумкин. Чунки экин экиладиган 355690 гектар майдоннинг ҳаммаси фермерларга бўлиб берилган. Айни пайтда вилоят бўйича 10538 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Ўтган йил якунида пахтадан 237901 тонна, ғалладан 517227 тонна ҳосил олинди. Ёппасига фермерликка ўтилгандан кейинги бир йил ичида пахта хомашёси тайёрлаш 157,2 фоизга, давлатга ғалла етказиб бериш 103,1 фоизга ўсди. Бир тонна пахтанинг таннархи 216 минг сўмга, ғалланики 77 минг сўмга тушди. Ёки бир гектар пахта майдонига 479 минг сўм харажат қилиниб, 512 минг сўм даромад олинган бўлса, бир гектар ғаллазорга қилинган 140 минг сўмлик харажат 147 минг сўм бўлиб қайтди. Пахтачиликдан 11 миллиард 500 миллион 89 минг сўм, ғаллачиликдан 3 миллиард 245 миллион 414 минг сўм фойда кўрилди. Буларнинг ҳаммаси энг аввало, жамоа мулкидан хусусий мулкка ўтилаётгани, ерни узоқ муддатга ижарага олган фермерларда мулкка эгалик ҳиссининг шаклланаётгани самарасидир. Энди у мулкдор сифатида сарф-харажатлар борасида ўйлаб иш кўриш, тежамкор бўлишнинг ҳадисини олаяпти. Ахир, 2004 йилда ҳосилдорлик ва ялпи ҳосил салмоғи кўпайган бир шароитда олдинги йилдагига нисбатан 8501 тонна минерал ўғит, 7321 тонна дизель ёнилғиси ва кўпгина бошқа ресурсларнинг тежаб қолингани шундан далолат бермайдими? Буларни пулга чақсак, миллион-миллион сўм маблағ иқтисод қилинди, деган сўз эмасми? Бу каби рақамлар, далиллар, кўрсаткичлар фермерлик ҳаракатининг тўғри ва айни пайтда зарур, ҳам фойдали эканлигидан далолат бермаяптими?

**Эргаш ҒАЙБУЛЛАЕВ, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари:**

— Вилоятимизда тўлиқ фермерликка ўтилиши қишлоқ хўжалигида туб ўзгаришлар ясаяпти, дейишга асосимиз бор. Пахтачиликни олайлик. 2003 йилда 29 миллиард 938 миллион сўм даромад қилинган бўлса, ёппасига фермерликка ўтилган 2004 йил натижаларига кўра, бу кўрсаткич 55 миллиард 54 миллион сўмдан ошиб кетди. Бир йил ичида ҳосилдорлик 15,9 центнердан 22,1 центнерга ўсди. Хўш, бундан шахсан фермер қандай фойда кўрди-ю, чўнтагига қанча даромад тушди? Якунланган хўжалик йилида фермерларга пахта етиштириш учун 16 миллиард 638 миллион сўм имтиёзли кредит берилган эди. Улар ўзларининг ҳисоб рақамларига келиб тушган бу пулни йил бўйи кимдан қанча қарзи бўлса ўшаларга ўтказишди, қолаверса, иш ҳақларини ҳам мунтазам олиб туришди. Йил охирига келганда, харажат ва даромад ҳисоб-китоб қилинди ҳамда фойда билан чиққанлар 4,5 миллиард сўм эркин пул маблағига эга бўлдилар. Бу эса кимдир енгил машинали, кимдир тракторли, кимдир янги уйли бўлди, деганидир.

**Муртоз БЎТАЕВ, Дўстлик туманидаги «Эшниёз бобо» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Йил якунида 21 миллион 956 минг сўм эркин маблағ олдим. Шундан 13 миллион 500 минг сўмини «Автотеххизмат»га ўтказиб, янги машинали бўлдим. 4,5 миллион сўмини қишлоқ хўжалик техникалари учун эҳтиёт қисмларга ажратдим. Қолганини иш ҳақига қўшимча, мукофот дегандай... Қисқаси, кайфиятимиз аъло. Биз — фермерларга берилаётган бундай имтиёзлардан бошимиз осмонда. Тўғрисини айтай: бугун ишлаганнинг, изланганнинг ошиғи олчи. Мард бўлсанг, ана, майдонга чиқ,



фермер бўл, қўлингдан нима келишини, нималарга қодирлигингни кўрсат: мўл-кўл ҳосил ол, даромад топ, тўй-томоша қил, яп-янги машина ол, орзу-ҳавас кўр. Одам боласига бундан ортиқ яна нима керак?

Шу ўринда бир гапни, фермерларни, кўпроқ фермер бўламан деганларни андак ташвишга солаётган бир муаммони ҳам айтиб ўтсам, ўринли бўларди. Очиғи, фермер бўлиш истагини билдираётган фуқаролар кўп. Уларнинг аризаларини кўриб чиқиш, даъвогарлар ўртасида танлов ўтказишдан тортиб, то фермер хўжалигини юритиш учун ер майдони ажратиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлашгача бўлган тизимни эса ҳозирча кўнгилдагидай ишлаяпти, дейиш қийин. Айрим ҳолларда фуқароларнинг бундай аризалари мутасаддилар томонидан ойлаб қараб чиқилмайди, танловлар гоҳо расмиятчилик учун ўтказилади. Боз устига яхши, унумдор экин майдонларини қўлидан иш келадиган ўтли-шудли кишиларга эмас, деҳқончиликни яхши билмайдиган айрим «олғир»ларга бериб юборишдек ҳолатларнинг учраб турганини ҳам бор гап. Бундай хато-камчиликлардан қанча тез қутулсак, шунча соз бўларди.

**Бугуннинг гапи**

**Шодмонқул УСМОНОВ, Арнасой туманидаги «Самарқанд» агрохизмат марказида яшовчи фуқаро:**

— 2004 йил якунида ерга эгалик қилиш тўғрисидаги ижара шартномаси бекор қилинган собиқ «Муртоза ота» фермер хўжалиги ўрнида янги фермер хўжалиги ташкил этишга рухсат беришларини сўраб ариза ёзган эдим. Негадир туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер майдонлари ажратиш ҳамда фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссияси ҳам, тендер ўтказувчи ишчи гуруҳи ҳам аризамни инобатга олишмади. Прокурорга мурожаат қилдим. Қонун бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди, айбдорларга чора кўрилди. Кошкийди, бундай ҳол ягона бўлса...

**Шуҳрат НАБИРАЕВ, вилоят деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллик директори ўринбосари:**

— Ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги қарорига биноан зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкат хўжаликлари босқичма-босқич тугатилиб, улар негизида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Вилоятимизда эса бу иш мамлакатда биринчилардан бўлиб амалга оширилди ва ушбу йўналишда жамоа мулкидан хусусий мулкка ўтилди.

Сирасини айтганда, хусусий мулк, юқори даражадаги манфаатдорлик бўлмаган жойда тараққиётга умид боғлаш қийин. Сабаби: мулк умумий бўлгач, ўғитдан, ёнилғидан, уруғликдан «уриб» қолсам, уни сотсам, фойда кўрсам, деган хаёлларга борадиганлар топилмайди, деб ким ҳам кафолат берарди? Оқибати эса маълум: бир тонна пахтанинг таннархи фалон сўмга, ғалланики эса пистон сўмга етиб турибди. Харажат кўпайгач, даромаднинг чўғи камаядими? Бундан кимга зиён? Албатта, биринчи галда деҳқонга-да. Шундан, йил — ўн икки ой даласида тер тўксаям унинг косаси оқармайди.

Энди фермер ҳақ-ҳуқуқини танияпти, фойда қаерда-ю, зиён қаёқдан келишини фарқлаяпти. Бугун у аввалгидай кетмонини елкасига ташлаб, даласида ишлашдан бошқасини билмайдиган анойи одам эмас, балки ташкилотчи, тадбиркор, мутахассис, кези келганда агрономликдан, муҳандисликдан, кези келса, ҳисоб-китобу, қонун-қоидадан хабари бор фидойи инсон. Ҳосилини, мулкини, маблағини бировга шундоққина бериб қўядиган соддалардан эмас.

**Парламент фаолияти**

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш техникаси» мавзуида тренинг ўтказди. У Европа Иттифоқининг «ЕвропаЭйд» дастури доирасидаги «Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш» лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда ҳуқуқшунослар, соҳа экспертлари қатнашдилар.

Қўмита раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Изидор Кочмарик тренингни очар экан, халқаро тажрибалар ва миллий анъаналаримизни пухта ўрганиш ва ўзаро уйғунлаштириш доимий асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси депутатлари учун ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлаб ўтди.

Анжуманда Европа Иттифоқи мамлакатларининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш техникаси бўйича тажрибалари ва янги тенденциялар, масаланинг долзарб жиҳатлари атрофлича ўрганилди. Депутатларга ўзбекистонлик ва Европа экспертлари томонидан ишлаб чиқилган тавсиялар ва таҳлилий материаллар тақдим этилди.

Тренингда Грециянинг Маҳаллий, нодавлат бошқаруви ва номарказлаштириш вазирлиги маслаҳатчиси жаноб П.Каркацулис қонунчиликни такомиллаштириш масалалари бўйича маъруза қилди. Шунингдек, тажрибали экспертлар А.Раҳмонов ва Е.Никифорова қонунчилик техникаси, ҳуқуқий меъёр тизимлари, турлари, баён этилиши мавзуларида қизиқарли фикр юритдилар.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

**Ватан ҳимояси — олий шараф**

## КУН ТАРТИБИДА — ТАРБИЯВИЙ ИШ



Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округлари қўшинлари қўмондонлари, ҳарбий қисм командирлари тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларининг икки кунлик ўқув-услубий йиғини бўлиб ўтди. Тадбирда Қуролли Кучларни ислоҳ қилишда тарбиявий ишлар ўрни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу борадаги талаблари, шахсий таркибнинг маънавий ва маърифий савиясини ошириш, қўшинларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш бўйича тарбиячи офицерлар олдида турган вазифалар хусусида сўз борди.

Қуролли Кучларда ўтказилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида қўшинлар жанговар тайёргарлигини янада ошириш билан бир қаторда ҳарбий хизматчиларнинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини юксалтириш, ҳар қандай вазиятда ҳам мураккаб синовдан чиқиш ҳарбийлардан жисмоний тайёргарлик, замонавий қурол-яроғ ва техникани пухта эгаллаш билан бирга юксак ақл-идрок, интеллектуал салоҳият, маънавий фазилатларга эга бўлишни ҳам тақозо этади. Шу боис, бугун ҳарбий жамоаларда ҳавас қилса арзигулик маънавий-ахлоқий муҳит яратиляпти. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг буйруғига асосан ҳарбий хизматчиларни ва чақириққача бўлган ёшларни маънавий-ахлоқий, эстетик тарбиялашнинг режаси ишлаб чиқилган ва унинг ҳаётга татбиқ этилиши қатъий назоратга олинган.

Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда ўқув режасига мувофиқ ҳарбий хизматчилар, офицерлар учун машғулотлар ўтказилмоқда. Шунингдек, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ўқув мавсумининг назорат синовларида ҳамда ўқув йили якуний синов машғулотларида шахсий таркибнинг миллий истиқлол ғоясини билиши, маънавий-ахлоқий савияси ва ахлоқ меъёрларига қай даражада риоя этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилишда муваффақиятлар эътироф этилиб, камчиликлар муҳокама қилинди. Тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан таклиф-мулоҳазалар ўртага ташланди. Ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, ҳарбий қисм ва бўлинмалар командирлари ҳамда уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ва офицерларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Ғуломов сўзга чиқди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**ЎзХДП янгиликлари**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

**ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши** Олмалиқ шаҳар партия кенгаши негизида шаҳар ва туман партия ташкилотлари биринчи котибларининг семинар-кенгашини ўтказди. Унда партия ташкилотлари фаоллигини ошириш, ижтимой ҳимоя масалаларида бажариладиган амалий ишлар муҳокама этилди.

**ЎзХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши**да «Ўзбекистон ХДП: янги мўлжал ва вазифалар» мавзуида «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда иштирок этган партия фаоллари партиямизнинг IV қурултойи қарорлари, унинг сўллик позицияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси материалларини жойларда ўрганиш масалалари ҳақида келишиб олдилар.

**ЎзХДП Беруний туман кенгаши** Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг қабул қилган Баёноти юзасидан кенгайтирилган йиғилиш ўтказди. Унда иштирок этган бошланғич партия ташкилотлари котиблари, партиядан сайланган депутатлар фракциянинг тутган йўлини маъқулладилар ва жойларда Баёнотнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳақида фикрлашдилар.

Фракция Баёнотини жойларда тушунтиришга бағишлаб, **ЎзХДП Риштон туман кенгаши** қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, туман касб-ҳунар коллежи, босмахона, почта алоқа бўлими, Бешкапа қишлоқ фуқаролар йиғинида ана шундай тадбирлар бўлиб ўтди.

**ЎзХДП Акмал Икромов туман кенгаши** томонидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Ўзбекистон ХДПнинг сўл йўналишдаги партия эканлигининг мазмун-моҳияти, партиянинг дастурий мақсадларига бағишланган «давра суҳбати» ташкил қилинди.

**Ўзбекистон ХДП Хонқа туман кенгаши** томонидан Хонқа шаҳарчасидаги 37- умумтаълим мактабида ўқитувчилар ва юқори синф ўқувчилари иштирокида «давра суҳбати» ўтказилди. Унда икки палатали тизимда иш бошлаган янги парламент ҳамда Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг фаолияти тўғрисида сўз юритилди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

Шунингдек, Хонқа шаҳарчасидаги 9-сон маҳаллада «Бировнинг ҳақи» мавзуида суҳбат ташкил этилди. Тадбирни ўтказишдан мақсад ёшларни ҳалолликка ўргатиш, уларга бировнинг ҳақидан қўрқиш, савдо-сотиқ, тадбиркорликда харидорнинг ҳақига хиёнат қилмасликни мисоллар билан тушунтириб беришдир.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

**Тадбир**

## ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Ҳозирги даврда инсоннинг табиатга салбий таъсири тобора ортиб бораётир. Оқибатда экологик мувозанатни сақлаш, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш мураккаб ва долзарб муаммога айланяпти. Шу муносабат билан «Экосан» халқаро ташкилотида Сиҳат-саломатлик йилига бағишланган «Экология ва инсон саломатлигининг фалсафий масалалари» мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Бу эса ижтимоий фалсафа билан шуғулланувчи олимлар олдига долзарб вазифаларни қўяди. Конференцияда файласуф олимлар сўзга чиқиб, бу борада аҳоли ўртасида экологик маданиятни кучайтириш зарурлигини айтиб ўтдилар.

**Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА**

# БОЛА МАЪНАВИЯТИ — МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИ

ЁКИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ АЙРИМ МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА БОЛАЛАР ҲАҚИГА ХИЁНАТ ҚИЛАЁТГАН ТАРБИЯЧИЛАР ВА ЎЗ УЙИДА «ИСЛОМИЙ БОҒЧА» ОЧИБ ОЛГАН АЁЛ ҲАҚИДА

Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига жуда катта эътибор қаратилаётгани ҳаммамизга маълум. Айниқса, мактабгача тарбия муассасалари шароитини яхшилаш, фаолиятини такомиллаштириш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Чунки, бола ҳам жисмоний, ҳам маънавий томондан баркамол, зуваласи пишиқ, илиги тўқ, ақли бутун бўлиши айнан болалар боғчаларига боғлиқ.

Фарғона вилоятидаги мактабгача тарбия муассасаларида ҳам бу борада муайян тажрибалар тўпланган. «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури бўйича бирмунча намунали ишлар амалга оширилмоқда.

Афсуски, вилоятдаги барча мактабгача тарбия муассасаларида ишлар кўнгилдагидек деб бўлмайди. Айрим болалар боғчаларида эса ҳатто норасида гўдаклар ҳақига хиёнат қилиш ҳоллари учрамоқда. Масалан, Тошлоқ туман халқ таълими бўлими мудираси Латофат Эргашева, бош ҳисобчи Неъмат Мадраҳимов ва бўлим озиқ-овқат таъминотчиси Равшан Йўлдошевлар мўмай даромад топиш илинжида боғча болалари учун шарбат тайёрлаб беришни йўлга қўйиб, гўё ташаббус кўрсатаётгандек бўлишди. Шарбат тайёрлаш учун қуритилган мева керак, албатта. Шу пайтда Охунбобоев туманидан Р.Қодиров деган ҳамтовоқ «тадбиркор» пайдо бўлади.

Ўзаро музокарадан сўнг «битим» тузилади. Натижада 3 тонна 300 килограмм туршакни икки-уч баравар баланд нархда, ҳар бир килосини 1200 сўмдан сотиб олишади. Бу ҳам майли... Харид қилинган туршак... қуртлаган, истеъмолга яроқсиз бўлса-да, тумандаги барча боғчаларга тарқатилди.

**— Боғчамизга олиб келинган 110 кило туршакдан атиги 1,5 килосини ювиб-тозалаб компот қила олдик, қолгани қуртлаган, фойдаланишга мутлақо яроқсиз экан, — дейди тумандаги 1-сон болалар боғчаси ҳамшираси А.Халилова.**

Бошқа бир қатор боғча ходимлари О.Қорабоева, Б.Алиева, С.Султоноваларнинг маълумот беришича, уларга келтирилган туршак ҳам яроқсиз, қуртлаган бўлган. Шуниси ажабланарлики, туман санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари Р.Матқулов ва И.Тўйчиев ана шу қуртлаган туршакка истеъмолга яроқли деган мазмунда бир қулоч маълумотнома беришган! Тошлоқ тумани прокуратураси ўтказган текшириш жараёнида бу нохуш ҳолат тўла-тўкис исботланди. Биргина бу эмас, «бола боғчабошилар» Кува туманидаги «Мусохон» кичик корхонасидан болалар боғчалари учун яроқсиз стулчаларни сотиб олишган. **Текширишлар жараёнида бу стулчаларнинг ҳар бири 5000 сўмдан сотиб олинганлиги, аслида эса уларнинг нархи 2435 сўмдан (бир донаси) эканлиги ошкор бўлди.** Демак, боғчаларга бошқа жиҳозлар, ўйинчоқлар, таълим воситалари сотиб олиш учун мўлжалланган 2 миллион 650 минг сўмлик маблағ ҳавога совурилган.

Қувасой шаҳридаги «Лола» болалар боғчаси хўжалик ишлари мудири Ҳусанбой Ҳакимов ҳам балои нафс дардида боғча таомномасига турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини қўшиб ёзиб, салкам икки йил мобайнида боғча тарбияланувчиларининг ризқини қийиб, 881 минг 277 сўмликдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотларини ўзлаштиради.

Бағдод туманидаги 25-сонли мактабгача тарбия муассасаси хўжалик мудири Кўчқорбой Деҳқонов эса ўтган йилнинг беш ойи мобайнида болалар боғчаси қозонида қайнаши лозим бўлган 148 кило гўштни ўмариб юборган.

Яна бир ўта ташвишли мисол. Прокуратурага Қўқон шаҳрида диний ясли-боғча фаолият кўрсатаётганлиги ҳақида маълумот келиб тушди. Текшириш ўтказилганда Фурқат кўчаси 116-уйда яшовчи Маъсуда Хўжаева ўз хонадонида исломий ясли-боғча очиб, етти ёшгача бўлган болаларга диний таълим бериб келаётгани маълум бўлди.

1972 йилда туғилган, 8-синф маълумотига эга М.Хўжаева осон пул топишни ўйлаганми, бошқа мақсаддами, ҳар ҳолда мамлакатимиз таълим-тарбия тизими, қонунларимизга мутлақо зид йўл тутган. У ўзини оқлаш учун ҳар хил важларни рўкач қилди, албатта. Аммо бу мамлакатдаги тузумга қарши ҳаракат деб баҳоланади. Кишини қаттиқ ташвишга соладиган томони шундаки, бу ноқонуний, номаърифий боғча 2004 йилнинг июнь ойидан буён ҳеч бир ҳужжатсиз, рухсатсиз, ўзбошимчалик билан «фаолият» кўрсатиб келган бўлса-да, қўни-қўшни, маҳалла-кўй лоқайдлик билан қарашган. Бу хонадондаги «боғча»нинг аҳволини айтмайсизми. Жиҳозлар, таълим-тарбия воситалари йўқ хонада, битта шолча устида 22 нафар ёш бола «сабоқ» олаяпти. Улар орасида икки-уч ёшли гўдаклар, олти-етти ёшли мактаб ёшига етган болалар ҳам бор. Бир хонада овқатланиб, ўқиб ва бир жойда ухлашади. Хоналар таъмирга муҳтож, ёруғлик етишмайди. Санитария-гигиена талаблари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади... «Исломий боғча опа» ҳар бир бола учун ота-оналардан ойига ўн минг сўмдан ҳақ олиб турган. Ушбу норасмий ва ноқонуний ясли-боғчага кўзининг қорачиғи, жондан азиз фарзандини берган ота-онага нима дейсиз?

Замонавий таълим-тарбия даргоҳлари турган жойда улар нега ўз фарзандларини мутлақо саводсиз бу аёл қўлига топшириб қўйишдийкин? Кимлардир, бола «эскича» ўрганса нима, шунга ҳам отагўри қозихонами дейиши мумкин. Лекин ҳали эсини танимаган болани бирор отинга ёки чаламуллага «эти сизники, суяги бизники», дея топшириш жаҳолатдан, бола ҳуқуқларини поймол этишдан бошқа нарса эмас! Зеро, бола соғлиғи — миллат соғлиғи, бола маънавияти — миллат маънавиятидир. Шу жиҳатдан олганда ғайриқонуний «исломий ясли-боғча» очилган маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, педагогик жамоалар, участка нозири, посбонлар қаёққа қарашган?

Мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбияни талаб даражасида ташкил этиш, келажак авлоднинг жисмонан ва маънавий камолотини таъминлаш ҳар биримизнинг виждоний бурчимиз деб ўйлайман.

**Азиз ҲАКИМОВ,**
**Фарғона вилоят прокурори ўринбосари**

Тўғри, уларнинг орасида танишбилишчилик қилиб, ҳар эҳтимолга қарши ер олган, кейин эса бу ерни кимларгадир «пуллаш»дан тап тортмайдиган ёки ернинг умрини беҳуда, бекор ўтказаётган ғирромлари ҳам йўқ эмас. Бундайлар, борингки, вилоятдаги фермерларнинг ўн-ўн беш фоизини ташкил қилар. Уларга ижарага берилган ер майдонларини хўжалик суди орқали амалдаги қонунлар асосида қайтариб олиш ва қўлидан иш келадиган ҳақиқий фермерларга бериш чоралари кўрилмоқда.

Шу ўринда ўтган йили 1762 та фермер хўжалиги давлатга дон топшириш бўйича шартномавий режасини бажармаганига, шулардан 300 таси эса умуман дон топширмаганига диққатингизни қаратмоқчиман. Оқибатда 101 та мулкдор фермерликни эплай олмаганликлари учун 3030 гектар ер майдонини ўз ихтиёрлари билан топширди. Кўраяпсизми, 101 киши фермерчилик қўлларидан келмаслигини тан олди. 112 та фермер хўжаликларининг ерларини қайтариш бўйича хўжалик судига даъво аризалари киритилди. Шартномани бажармаслик оқибатида етказилган зарарни ундириш юзасидан 117 та маъмурий, 15 та жиноий иш очилди.

**Комил СИНДОРОВ, вилоят хўжалик суди раиси:**

— Баъзан эшитилиб қолади: вилоятда фермерчилик ҳаракатига кенг йўл очиб берилмаётган эмиш, ҳатто фермерларга у ёки бу даражада тўсқинлик қилиш, уларнинг қонуний манфаатлари билан ҳисоблашмаслик ҳолатлари учраб турармиш... Бундай миш-мишларни кимлар ўйлаб топаётгани, қайси манбаларга таяниб айтаётганини билмадиму, лекин мавжуд аҳвол бугунги кунда бутунлай бошқача. Хусусан, айни пайтда вилоятдаги фермерларга 40 та муқобил-машина трактор парки, 26 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 7 та минибанк, 11 та ахборот, таъминот ва консалтинг хизмати, 18 та ёнилғи қуйиш шахобчаси, 14 та кимёвий ўғит омбори хизмат кўрсатаётгани шундан далолат эмасми? Ёки минглаб трактор ва механизмларнинг фермерлар ихтиёрида эканлиги, якунланган йилда лизинг асосида яна юзлаб қишлоқ хўжалик техникаларининг берилгани-чи?

Ўтган йили хўжалик судида фермерларнинг даъво аризалари асосида кўриб чиқилган 1048 та ишнинг 919 таси қаноатлантирилиб, уларнинг фойдасига жавобгарлардан 1 миллиард 59 миллион 762 минг сўм ундириш тўғрисида қарор чиқарилгани нимадан дарак беради?

Бироқ, шу ўринда масаланинг бошқа жиҳатига ҳам эътиборингизни қаратмоқчиман. Айрим ҳолатларда фермерлар судда даъвогар эмас, балки жавобгар сифатида қатнашмоқдалар. Масалан, ўтган йили 9405 ҳолатда фермер хўжаликлари жавобгар сифатида судда иштирок этди. Бир мисол. Зарбдор туманидаги «Ўсар ота» фермер хўжалиги ўтган йили давлатга 56,7 тонна пахта топшириши керак эди. Аммо бир тонна ҳам топширмади. Ўз-ўзидан маълум, бундай пайтда фаолиятсизлик оқибатида келтирилган зарар ундириб олинади. Амалда ҳам шундай бўлди.

**Абдусаид САТТОРОВ, Зафаробод туманидаги «Йўлдош ота» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Югурдингиз, чопдингиз, бир амаллаб фермер ҳам бўлдингиз, дейлик. Билингки, бу — бошланиши. Чунки ҳали тажрибангиз йўқ. Хўш, энди нима қиласиз? Кимдан, қаердан маслаҳат, йўл-йўриқ сўрайсиз? Бизнес мактаби ёки бизнес инкубатордан, дейсизми? Фермерларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес мактаблари кўп жойларда номига ташкил этилганини билмайсизми? Наҳотки, уларда фермерларни тайёрлаш дастурини амалга ошириш талаб даражасида эмаслигидан, ўқув савияси пастлигидан, малакали ўқитувчилар етишмаслигидан бехабар бўлсангиз? Фермерлар уюшмалари-чи, дедингизми? Уюшмаларнинг ўзлари ёрдамга, маслаҳатга муҳтожу, улардан қандай кўмак кутасиз?

Шундай пайтда беихтиёр хаёлингизга қанийди, фермерлар учун иш юритиш тартибини, дунё фермерлари тажрибасини ўргатадиган бирон-бир қўлланма бўлса эди, деган ўй келади. Бундай йўриқнома эса ҳозирча йўқ. Бўлса бордиру, лекин биз томонларда топилмайди. Тўғри, вилоят хўжалик суди қошида фермерларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларни ўқитиш маркази очилганмиш, деб эшитдик. Аммо, биздан вилоят марказигача 50-60 чақирим. Бориб-келиш учун бир кун кетади. Истардикки, шундай марказлар туманларда ҳам ташкил қилинса ва бу ишни иложи бўлса хўжалик судими, адлия бошқармасими зиммасига олса...

**Бахтиёр ТУРСУНМАТОВ, Зарбдор туманидаги фермер хўжалиги собиқ раҳбари:**

— Яхши ният билан 48 гектар ер олиб, «Бахмал» фермер хўжалигини ташкил этгандим. Бироқ, қуруқ ният билан иш битмас экан. Қаторасига уч йил пахта тайёрлаш юзасидан шартномавий режани бажаролмадим. Ернинг ҳам, ўзимнинг ҳам умримни бекорга ўтказмайин, деб ижарага олган экин майдонимдан ихтиёрий равишда воз кечдим. Фермер бўлиш, тўғрироғи, яхши фермер бўлиш осон эмас экан...

**Баҳодир ТОВБОЕВ, Мирзачўл туманидаги «Бобо» фермер хўжалиги раҳбари:**

— Эшитишимча, хорижий давлатлардаги суд ишлари тажрибасида 70-80 фоиз ишлар хўжалик ва тижорат судлари ёрдамида томонларнинг келишуви билан ҳал қилинар экан. Келишувнинг иложи бўлмаган 20-30 фоиз ишлар бўйича эса суд тегишли қарор чиқараркан. Бу тажрибадан бизда ҳам фойдаланса бўлмайдими? Ахир, асосий мақсад суд орқали, албатта, бир томонни жазолаш эмас, аксинча шартнома шартларини бажариш бўйича томонларни келиштириш эмасми?

Бу тажриба назаримда хўжалик низоларини ҳал этишда кўпроқ зарурга ўхшайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, туманларда ҳам хўжалик судларини ташкил қилиш даври келмадимикин, деган фикрни илгари сурмоқчиман. Тўғри-да, бошқа судларнинг туманларда маҳкамалари бору, негадир хўжалик судлариники йўқ.

**Шуҳрат ИСКАНДАРОВ, «Халқ банки» Мирзачўл туман бўлими бошқарувчиси:**

— Туманимиз бўйича 639 та фермер хўжалиги бўлиб, шулардан 354 таси йилни фойда билан якунлади. Уларга 816 миллион сўм эркин пул маблағи берилди. Бизнинг мижозларимиздан бири «Бектемир» фермер хўжалиги банкдан накд 15 миллион 204 минг сўм пул олди. Иш ҳақларидан ташқари бир йўла шунча пул олишибдими, қандини урсин. Қувончли томони шундаки, бундай фермерлар сафи кенгаймоқда.

●●●

Одатда ҳеч бир янгилик, янгича ҳаракат хамирдан қил суғургандай силлиқ кечмаган. Кўриниб турибдики, фермер бўлиш ҳам осонгина, жўнгина иш эмас экан. Бировлар ўйлагандай амал-тақал қилиб ер олиш билан иш битмайди. Ерни олишга олиб, сўнг уни енг ичида кимларгадир пуллашдан, текин бойлик орттиришнинг нопок манбаига айлантиришдан ёхуд фермерликнинг уддасидан чиқолмай юзи шувут бўлишдан ёмони йўқ. Қолаверса, ерга хиёнат — элга хиёнат билан, ерни алдаш — элни алдаш билан баравар, дейишади. Зеро, азал-азалдан тупроқ табаррук, деҳқончилик мўътабар саналган. Ерни онага, тупроқни эса битмас-туганмас бойликлар хазинасига қиёслаш ҳам бежиз эмас. У сизу бизни нафақат елкасида кўтариб юради, балки едиради, ичиради, кийинтиради. Шундай экан, ерга муносабат масаласида эҳтиёт бўлиш, унинг ҳар қаричини асраб-авайлаш, кўз қорачиғидай эъзозлаш жоиз эмасми?

Жойларда фермер хўжаликлари ташкил қилиш, уларга ер танлаш ва ажратиш бўйича тузилган комиссиялар эса бу борада ҳар доим одил ва оқил иш тутмоқлари, тегишли қарорлар қабул қилиш жараёнида етти ўлчаб эмас, етмиш ўлчаб бир кесишлари лозим бўлмайдими? Хўжалик судлари ва бошқа ҳуқуқий хизматлар фермер хўжаликларининг ҳимоясини таъминлаш, уларга ер майдонлари ажратиш ва олиб қўйиш масалаларида қатъий тартиб ўрнатсаларгина қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар янада самаралироқ кечишига қулай шароит ҳамда имконият яратилмайдими?

Қолаверса, фермер хўжаликларининг тайёрлов корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берадиган ҳамда хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар билан шартномалар тузишда, уларни бажаришда, бу шартномаларнинг аниқ-равшан мазмунга эга бўлишига ва қабул қилинган мажбуриятларни бажармаганлик учун томонларнинг масъулиятини, жавобгарлигини оширишда ҳам ҳали ечимини кутаётган муаммолар борлигини кўрсатмаяптими?

Нима бўлганидаям, вилоятда фермерчилик ҳаракати катта йўлга чиқиб олганлиги аниқ. Йўлга чиққан йўловчи эса дилига эзгу ниятлар жойлаб, олис-олис манзилларни кўзлайди. Тўғри, йўлнинг қайсидир жойлари равон, қайсидир жойлари ўйдим-чуқур бўлиши табиий. Муҳими — бу эмас, муҳими — манзил аниқ. Фақат мақсад сари, манзил томон бораётган йўловчи қийинчиликларга бардош бериб, машаққатларни енгиб ўтсагина, қолаверса, атрофидагилар ҳам унга ҳамкор, ҳамнафас, кези келганда, елкадош бўлсагина омад ёр бўлади. Буни эса жиззахлик фермерлар ҳам, улар билан ёнма-ён, бирга-бирга бораётганлар ҳам яхши билишади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

# ОСОНМИ?

## СОЛАЯПТИ ВА НИМАЛАРДАН КЎНГЛИ ТЎЛМАЯПТИ?

4 5 6

## XORIJDA

### Тинчликпарвар кучлар Суданга жўнатилади



БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши Судан жанубига 10 минг кишидан кам бўлмаган тинчликпарвар кучларни киритиш учун овоз берди.

Бундай қарорга январда эришилган келишувлар, яъни Хартум ва мамлакат жанубида давом этаётган 21 йиллик урушнинг тўхтатилиши сабаб бўлди. Урушда 2 миллион одам ҳаётдан кўз юмди.

Тинчликпарвар кучлар ўт очишни тўхтатиш келишувига амал қилинишини назорат этиш, вазиятни барқарорлаштириш ва инсонпарварлик ёрдамларини етказиш билан шуғулланади.

### Трибунал олдида жавоб беради



Македониянинг собиқ ички ишлар вазири Любе Босковский собиқ Югославия бўйича БМТнинг трибунали олдида жавоб бериш учун Гаагага жўнаб кетди.

Ўтган йилнинг август ойидан Македония ва Хорватия фуқаролигига эга бўлган Босковский трибунал айбловлари билан боғлиқ бўлмаган иш учун қамоқда ушлаб турилган эди.

Гаага Босковскийни албанларга қарши ҳарбий жиноятларда айбламоқда. Бундан ташқари Македония прокуратураси уни 2002 йилда осиёлик муҳожирларни мамлакатга олиб кириб, уларни албанлар томонида жанг олиб бораётган «Ал-Қоида» террорчилари сифатида кўрсатиш учун ўлдирганликда айбламоқда.

### Ёлғон — кимга фойдаю, кимга зарар?



Одамлар иш фаолияти давомида ёлғонни кўп ишлатишар экан. Ўзини касал деб ишга келмай қолган одамларнинг 60 фоизи аслида соғ-саломат бўлади. ССН компанияси ўтказган тадқиқотларга кўра, одамлар шахсий ишларини бажариш ёки дам олиш учун бундай баҳоналарни ўйлаб топишади.

The Wall Street Journal ёзишича, бирлашиш ва реструктуризация жараёни юз бераётган компаниялар хизматчилари ёлғонни кўп ишлатишар экан.

Иш излаётганлар орасида ҳам ёлғонни қурол қилиб олганлар кам эмас. Иш изловчиларнинг 12 фоизи ҳеч қачон ўқимаган ўқув юртларини битирганликлари ҳақида маълумот беришади.

Хўш, ишчи ва хизматчиларни ёлғон гапиришга нима ундайди? Кўп ҳолларда бунга иш жойларидаги ўта қаттиқ қоида ва интизом сабаб бўлар экан.

Ишчиларнинг турли баҳоналар билан ишдан қочишлари беоқибат қолмайди, албатта. Ёлғон натижасида нафақат иш самарадорлиги тушиб кетади, балки одам қадри ҳам йўқолади. Бир марта ёлғон гапирган одам албатта иккинчи марта ҳам ундан фойдаланади.

**Хуршид РАУПОВ тайёрлади**

Мулоҳаза, мушоҳада

# СИФАТЛИ БИЗНЕС ТУЗИЛМА

бозор ислоҳотларининг чуқурлашуви ва иқтисодиёт эркинлашувида ҳал қилувчи йўналишдир, — дейди 1-Тошкент давлат Тиббиёт институти иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Санъат ВОҲИДОВА.

— Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги (шу йил, 28 январь) маърузасида иқтисодий ислоҳотларни 2005 йилда ҳам амалга ошириш кўламларига алоҳида тўхталиб ўтиб, дедиларки: **«Асосий устувор вазифа аввалгидек — бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришдан иборат».**

Бу сўзлар замирида ҳали биз бу борада кўпгина муаммоларга ечим топиш йўлларини излашимиз кераклигини пайқаш қийин эмас. Масалан, бугун мамлакатимизда бозор сари интилаётган қатор корхоналар ривожланишнинг дастлабки босқичида турибди. Улар маълум даражада кўмакка, чунончи, инвестицияларнинг муайян бир турига эҳтиёж сезаётганлиги сир эмас. Чунки, бозор иқтисодиёти бизнесининг ривожи шуни талаб қилади.

Статистика маълумотлари гувоҳлик беришича, ахборот асрининг глобаллашуви туфайли иқтисодиётдаги ўзгаришлар жараёни тобора жадал тус олиб, дастлабки ривожланиш босқичида турган компанияларнинг молиявий инвесторлари орасида ҳам таваккалчилик даражаси авж олиб кетди. Рақобатда кўпроқ активларга эга компаниялargина ютиб чиқмоқда. Негаки, биздаги айрим компаниялар ўз бизнесларининг бир қисмини банк кредитлари ёки шахсий даромадлари улушидан молиялаштиришга уринаяптилар. Бироқ, табиийки, шахсий даромадни кўпайтириш учун кўпроқ вақт керак бўлади. Пировардида, улар кўпроқ ташқи капитал, яъни, инвесторларнинг инвестицияларини жалб этишга қодир бўлган рақибларига «ён» бериб қўймоқдалар.

Ваҳоланки, Юртбошимизнинг юқоридаги маърузасида таъкидланганидек, **«Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳолига муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимиз ҳамда минтақа ва жаҳон бозорларида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўймоқда».**

Дарҳақиқат, илғор мамлакатлар тажрибасидан кўриб турибмизки, бозор етакчилигини таъминловчи асосий кўникмалардан бири — бу, ривожланиш даражаси. Жумладан, бизнеснинг бозордаги стратегик ўрни, тармоқдаги тажрибаси, операциялар ҳажми, самарадорлиги ва менежмент даражаси кам бўлган асосий бизнес жараёнлари унинг тараққий босқичларидир.

Фикримча, давлатимиз раҳбари ҳам айни шу нуқтаи назарлардан маъмурий тақсимот тизими қолипларидан воз кечишни, иқтисодиётга давлат аралашувини чеклашни, эркин тадбиркорликка кафолат таъминланишини таклиф қилаяптиларки, бу, шубҳасиз, иқтисодиёт ва бизнеснинг барқарор ривожланишига, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантиришга кенг йўл очади ҳамда бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиб боради.

Демоқчиманки, бизнес эгалари учун корхонага киритилган маблағлар нархининг ўсиши ва акциялар сотилиши қобилиятининг ошиши, пировардида, манфаатли бўлиб чиқаяпти. Бошқача айтганда, давлат учун ҳам ҳудудда рақобатбардош ва тобора ўсиб бораётган муассасавий сармоядорлар ҳамда банкларни жалб этувчи, ўз ривожланиши учун самарали молиялаштиришни таъминлашга қодир корхоналар бўлиши яхши-да, албатта.

Ана шундай фикр ва мулоҳазалардан сўнг беихтиёр хулоса қиласан киши: Инвестициявий муҳитни тобора яхшилаш юзасидан ишлаб чиқарилаётган тадбирлар жараёнида ҳукумат корхоналар билан сармоядорларнинг ўзаро самарали фаолият кўрсатишлари учун хизмат қилувчи жиҳатларга ҳам ўз эътиборини қаратмоғи керак, наздимда. Шунда ўз-ўзидан ўсиш салоҳияти (потенциали)га ҳам эришилади. Бундай потенциал мамлакатимизнинг дефицит ва унчалик рақобатбардош бўлмаган — бозори ихтиёрий компанияларнинг ўсиши учун чекланмаган имкониятлар бериши, чекланмаган шароитлар яратиши, турган гап.

Бунда албатта, мамлакатимиз компаниялари эгаларига ва сўзсиз, уларнинг бошқарувига ҳам стратегик режалаштириш ҳамда акцияларни жойлаштириш жараёнларида мунтазам малакали кўмак бериб турилмоғи керак.

Назаримда, менинг бу мушоҳадаларим Олий Мажлисимиз Қонунчилик палатаси депутатлари эътиборига ҳам лойиқ. Мазкур йўналишдаги бўлгуси қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқарилаётганда ёки мавжудларига тегишли қўшимчалар, ўзгартиришлар киритилаётганда айни шу нуқтаи назарлар ҳам инобатга олинса, деган ниятдаман.

Миллат ва маънавият

# ЯНГИЧА ТАФАККУР ЁЛҚИНИ





## «МУЛОҚОТ» ЖУРНАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА ЎН БЕШ ЙИЛ ТЎЛДИ

Таҳририят очиқлик, ошкоралик йўлини танлаб, журнал саҳифаларида халқ дардини ёритишга кенг эътибор қаратди. Шунинг учун ҳам «Мулоқот» анъанавий шўро тамғасини четлаб ўтиб, унинг ўрнига мутафаккир Алишер Навоийнинг «Одами эрсанг демагил одами, Оником йўқ халқ ғамидин ғами» деган ҳикматини ўзига шиор деб билди.

1991 йилнинг январида босилиб чиққан илк сон «Мафкуравий ҳукмронлик» деб номланган мақола билан бошланиб, унда атоқли файласуф Ҳайдар Пўлатов собиқ коммунистик партиянинг юзага чиқиб қолган барча кирдикорларини рўй-рост очиб ташлаган эди. Шунингдек, публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Миллий масала ва ижтимоий адолат» мақоласида тоталитар тузумнинг гумроҳликлари ҳамда миллий қадриятлар тўғрисида энг долзарб муаммолар дадил айтилди. Мазкур мақола хулосасининг ўзидаёқ ҳукмрон тузумнинг келажаги йўқлиги эътироф этиларкан, шу фикрнинг матбуотда очиқ-ойдин айтилиши — бу онларнинг узоқ давом этмаслигидан далолат эди...

Ҳаётимизда учрайдиган муаммоларни ёритишга бел боғлаган ва очиқлик тамойилларига амал қилган журнал биринчи қадамлариданоқ кенг жамоатчилик назарига тушди. Мустақиллигимиз эълон қилинган кунларга қадар журналда «Партиявийлик чексизми?», «Ҳақиқатдан чекинма, тарих», «Унутилаётган байрамлар», «Мустақиллик мезони», «Туркистон ва чоризм истилоси», «Ғоявий исканжа: иллатлар ва сабоқлар», «Мустақиллик ҳимояга муҳтожми?», «Ўзбек мафкураси», «Мустақиллик остонасида», «Ўзимиз ҳал қилайлик» сингари мақолалар эълон қилинди. Уларда мамлакатдаги барча миллатлар учун юзага келган ҳуқуқсизлик, қарамлик, мустамлакачиликнинг узоқ давр мобайнида яққол кўзга ташланиб қолган зуғумлари, шунингдек, озодлик ва ҳуррият туйғулари баралла ўз ифодасини топди.

Тарихий ҳақиқатни тиклаш журналнинг асосий йўналишини ташкил этди.

XX асрнинг сўнгги йиллари қизил империянинг инқироз даври бўлди. Чунки унга мажбуран бирлаштирилган халқлар «совет халқи» тарзида эмас, балки азалий маданиятлари, анъаналари, урф-одатларини қадрлаб яшашлари зарурлигини англаб етдилар. Негаки, эркинлик, қадр-қиммат тушунчалари озодликнинг энг асосий унсурларидан ҳисобланади. Ана шундай туб бурилишлар, янгиланишлар даврида Юртбошимиз ташаббуси билан «Мулоқот» журнали ташкил этилди.

1990 йилнинг сентябрь ойида иш бошлаган журнал таҳририяти мураккаб вазият билан рўпара келган эди. Чунки ўша даврларда миллий муаммоларни кўтариб чиқишга ҳар кимнинг ҳадди сиғавермас, халқ дардини айтишнинг ўзига хос масъулиятли томонлари бўлиб, бу собиқ шўро ақидапарастларига ёқмасди. Бироқ шундай қийин вазиятда ҳам журнал ўз сўзи ва овозига эга бўлишга интила бошлади.

Халқ бошидан кечирган ҳар қандай мусибатлар озодлик, мустақиллик ғоялари нуқтаи назаридан баҳоланди. Жумладан, маҳаллий халқнинг асоратга солиниши, мардикорликка олиш, қулоқ қилиш, қатағон каби собиқ тузумнинг шафқатсиз сиёсати қурбони бўлган юзлаб ватандошларимиз қисмати журналнинг илк сонларидаёқ ўзининг илмий-назарий баҳосини олди. Бу борада Ҳайдар Пўлатов, Бўрибой Аҳмедов, Қўчқор Хоназаров, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Ҳамид Зиёев, Эркин Юсупов, Муталлиб Усмонов, Анвар Чориев, Аҳмад Алиев сингари етук олим ва ёзувчилар журнал билан доим мулоқотда бўлиб келди.

Шу йилларда таҳририятнинг ташкилотчилик ташаббуслари янада ортди. Янги мавзулар, янгича режалар устида ишлаш давр талабига айланди. Чунки мустақилликнинг эълон қилиниши янгича фикр юритишни, дадил мулоҳазаларни ўртага ташлашни тақозо эта бошлаганди. Ана шундай даврда таҳририят журналга қалами ўткир ёзувчи, публицист ва олимларни жалб этди.

Ўша пайтда халқнинг дилидаги бир қатор долзарб мавзуларда «Маданият ва миллий қиёфа», «Давлат тили ва маъмурият», «Тарихий шахслар хусусида», «Битиклар шаҳодати», «Темурийлар тақдири», «Шахс мустақиллигини тушунамизми?», «Миллат тақдири учун курашаман», «Тарихий ҳақиқат муқаддасдир» сингари янги рукнлар очилиб, уларда шу кун учун муҳим бўлган мавзуларда мақолалар бериб борилди. Таъбир жоиз бўлса, ушбу мақолалар халқимизнинг асл тарихини тиклаш, унинг бой маданий-маънавий меросини ўрганиш, тарихимиздаги қора доғларни ювиб ташлаш ҳамда ўзбек миллий маданиятини ривожлантириб, унинг шаъни ва нуфузини кўтариш йўлидаги саъй-ҳаракатларга озми-кўпми ҳисса бўлиб қўшилди.

Айтиш мумкинки, кейинги йилларда журнал сонларида инсон қадр-қиммати, ор-номуси ва шаънини тиклашга даъват этувчи мақолаларга кенг ўрин бериб келинмоқда. Айниқса, таълим тизимини тубдан ўзгартириш масалаларига қайта-қайта мурожаат этилди. Шуни ҳам таъкидлаш кераккки, тарихий меросимизда катта ўринни эгаллайдиган тасаввуф фалсафаси ва бошқа миллий қадриятларни ёритиш журналнинг асосий мавзуларидан биридир. Бу борада тасаввуф асосчиларидан Юсуф Ҳамадоний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Азизиддин Насафий ва Хожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам ҳазратлари ҳақида тарихий-илмий мақолалар эълон қилиниши диққатга сазовор.

Журнал саҳифаларида Юртбошимиз асарларининг таҳлилига бағишланган мақолалар, шарҳлар, фикр ва мулоҳазалар доимоий равишда эълон қилиб келинмоқда. Шунингдек, Президентимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари илк бор «Мулоқот»да эълон қилинди.

Босиб ўтилган ўн беш йиллик йўлга назар ташлар эканмиз, журнал мавзулар хилма-хиллигига эришгани, ҳаёт билан ҳамнафас қадам ташлаётгани ҳамда муаммоларга ўз вақтида муносабат билдираётганига гувоҳ бўламиз. Бугун «Мулоқот» журнали ўз атрофида жонкуяр зиёли, фидойи қаламкашларни тўплаб, мамлакат ва халқ тақдирига дахлдор мавзуларни мунтазам ёритиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Шу ўринда кейинги пайтлари турли илмий даргоҳлар фаолиятини мунтазам ёритиш журналда яхши анъанага айланиб бораётганини айтиб ўтиш керак. Олимлар, етук мутахассислар ўзларининг кашфиётлари, эришаётган ютуқлари тўғрисида журналхонларга батафсил ҳикоя қилиб бормоқдалар.

Бугун комиллик сари интилаётган ёшларимиз ва барча илмли, салоҳиятли кишиларнинг яқин маслакдоши бўлган «Мулоқот» журналхонлар қўлига мунтазам етиб бормоқда. Ўтган вақт мобайнида нуфузли минбарга айланган журнал ҳар бир ўзбек хонадонига маърифат зиёсини, эзгу анъаналар ва инсоний қадриятларни олиб кирмоқда. Айни замонда ижодий изланиш, ижобий муваффақиятлар йўлидан бораётган журнал жамоаси эзгу мақсадлар йўлида халқимизга хизмат қилишдан асло чарчамайди.

**Барот БОЙҚОБИЛОВ, «Мулоқот» журнали бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоири**

**«АСКИЯ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

*«Аския деҳқон бозори» ОАЖ акциядорларининг 2005 йил 22 март куни соат 11.00 га белгиланган навбатдаги йиллик умумий мажлисида кворум бўлмаганлиги сабабли умумий мажлис 2005 йил 5 апрель куни соат 12.00 да жамиятнинг маъмурий биносида такроран чақирилади.*

*Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2005 йил 20 февраль ҳолатига тузилган.*

*Акциядорларни ёки уларнинг вакилларини рўйхатдан ўтказиш соат 11.00 да бошланади.*

***Мурожаат учун телефон: 55-27-44***

**Кузатув кенгаши**

**ОАО «Темирйултаъмин» сообщает:**

**Порядковый номер сообщения — 09.**
**Решение общего собрания.**
Вид общего собрания — внеочередное
Форма проведения общего собрания — очная.
Дата проведения общего собрания — 24 марта 2005 года.
Места проведения общего собрания — г.Ташкент, ул.Проектная, Г-24.
Присутствовало — 31 человек — 115485 голосов.
Кворум — 89,9 %.
Вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним.
1. Утверждение счетной комиссии и регламента проведения общего собрания акционеров.
Проголосовали «за» — 115485 голосов-единогласно
Постановили утвердить:
- повестку дня внеочередного общего собрания акционеров,
- предложенный численный состав счетной комиссии,
- назначить секретарем внеочередного ОСА Смирнову С.А.
- **утвердить предложенный регламент проведения собрания.**

2. Утверждение аудитора на проведение аудиторской проверки по итогам 2004 года.
Проголосовали: «за» — 115485 голосов-еденогласно
Постановили: Заключить договор с аудиторской организацией «Standart-audit» для проведения аудиторской проверки по итогам 2004 года.
Уполномоченный орган эмитента, принявший решение, являющийся основанием указанных изменений — внеочередное общее собрание акционеров, проводимое 24 марта 2005 года.
Протокол общего собрания подписан 25 марта 2005 года.

